



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 8-dekabr, payshanba,
145 (23.710)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz

"Инсон — жамият —
давлат" деган
таъмоилни
Конституциямиз ва
қонунларимизга,
қундалик
ҳаётимызга чуқур
сингдиришимиз
зарур.

Шавкат МИРЗИЕВ.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тисолингида кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улғу тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар тўғрисида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаёти-мизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустақкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қўлланма демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимызнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшайётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этилмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озода ва обод ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, эрийдик, албатта.

Мухтарам дўстлар!

Дунё миқёсида "Янги Ўзбекистон" деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳуқуқамалар давом этилмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва манфиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва тақлифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этилмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда "Инсон — жамият — давлат" деган таъмоилни Конституциямиз ва қонунларимизга, қундалик ҳаётимызга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон кадрини улғулаш бу борадаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат таъмоили, оила институтининг конституциявий асосларини мустақкамлаш, кекса авлод вакиллари, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби қўллаб-қувватлаш аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз — турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча тақлиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умум-халқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамадан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги — 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмокдаимиз. Конституциямизда белгиланган эзгу мақсадларни рўйбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжихатликни янада мустақкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва мухтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файз-у барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!
Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



САМАРҚАНДЛИКЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги фармони билан таъсис этилган "Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишонини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Э.Турдимов маросим қатнашчилари — давлат ва жамоат ташкилотлари фаоллари, турли соҳалар илғорлари, нурунийлар ва ёшлар вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўттиз йиллиги билан табриклади. Мамлакатимиз мустақиллигини мустақкамлаш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, барча соҳаларда ислохотлар изчиллигини таъминлашда Бош қомусимиз ҳуқуқий асос эканлигини қайд этди.

— Бу йил Конституциямиз қабул қилинганига ўттиз йил тўлди ва шу муносабат билан давлатимиз раҳбари фармонида кўра, "Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишонини таъсис этилди, — деди Э.Турдимов. — Вилоятимизнинг 4 миллионли аҳолиси орасидан сиз каби 2800 нафардан ортиқ самарқандликлар ушбу шарафга муносиб деб топилди. Барчангизни мазкур нишон билан табриклаб, энг эзгу тилакларимни билдираман.

Таъдирда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари, депутатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, меҳнат фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқа соҳалар вакиллари эсдалик нишонлари тантанали топширилди. Бир гуруҳ давлат хизматчилари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

"СамАвто"да чиқинди ташувчи автомашиналарнинг янги авлоди ишлаб чиқарилди



Самарқанд автомобил заводида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан "Санитар тозалаш корхоналари учун замонавий техникалар, янги имкониятлар" мавзусида ўқув-амалий семинари ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 ноябрдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Қаттиқ машиини чиқиндиларни барқарор бошқариш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, санитар тозалаш корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар сифатини ошириш мақсадида ташкил этилган семинарда қўмита масъуллари ва вилоятимиздаги "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонаси вакиллари иштирок этди.

— 2020 йил 17 апрелда Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан "Қаттиқ машиини чиқиндиларни барқарор бошқариш" лойиҳасини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасига 25 йил муддатга, 60 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз бериш маъқулланган, — деди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Жамшид Эшжонов. — Умумий қиймати 112 миллион АҚШ

доллари бўлган ва 2020-2024 йилларга мўлжалланган лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудларида қаттиқ машиини чиқиндиларни ташвиш учун "Тоза ҳудуд" ДУКларига 12 метр куб ҳажмли 300 та махсус техника берилиши кўзда тутилган. Мазкур автотранспорт воситалари хариди учун эълон қилинган халқаро тендерда "Самарқанд автомобил заводи" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ғолиб бўлган. Шунга кўра, заводда ушбу лойиҳа доирасида юк кўтариш қуввати оширилган, юклаш ма-нипуляторлари, орқани қўриш камералари, ЖПС ва масофани ҳисоблаш билан жиҳозланган махсус чиқинди ташувчи ав-томашиналарнинг янги авлоди ишлаб чиқарилди.

"Самарқанд автомобил заводи" МЧЖ савдо ва сервис департаменти раҳбари А.Самдаҳмедовнинг таъкидлашича, лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида

жорий йилда корхона томонидан 144 та махсус чиқинди ташвиш техникалари ишлаб чиқарилиб, ҳудудий санитар тозалаш корхоналарига етказиб берилмоқда. Шу пайтгача республикамиз ҳудудларида 50 та машина етказилди. Бугун яна 15 та махсус машина Самарқанд вилояти "Тоза ҳудуд" корхоналарига берилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида ҳудудий санитар корхоналарини яна 156 дона махсус чиқинди техникалари билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, бу иш 2023 йилда амалга оширилади.

Семинарда "СамАвто"да ишлаб чиқарилаётган чиқинди ташвиш техникаларига ушбу завод ва унинг жойлардаги дилерлик ва сервис пунктлари орқали техник хизмат кўрсатилиши маълум қилинди.

Таъдир қатнашчилари заводдаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва янги техникаларнинг имкониятлари билан танишди.

Шунингдек, "Тоза ҳудуд" корхоналари ходимларига янги транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича тушунча берилди.

Таъдирда вилоят ҳокими ўринбосари А.Шукуров иштирок этди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
А.ИСРОИЛОВ (сурат).

➡ Бугуннинг гапи

Қишнинг илк кунларида ёққан қалин қор ва ҳавонинг совиб кетиши энергия ресурсларига эҳтиёжни кескин оширди.

"Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти вилоят худудий филиали ходимлари ҳам туну кун жойларда содир бўлаётган аварияли ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Бунинг учун вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда 24 та авария бригадалари ташкил этилиб, юздан зиёд мутахассислар, махсус техникалар сафарбар қилинди.

Оғир вазиятдан чиқиш чоралари кўрилмоқда

— Республикамызга кириб келган совуқ ҳаво оқими тўғрисида магистрал газ тармоқларида табиий газ босимининг кескин пасайиши кузатилиб, иссиқлик электр станцияларига кам миқдорда газ етиб бориши натижасида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетди, — деди "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти вилоят худудий филиали директори Файзулла Курбанов. — Оқибатда юқори ва паст қучланилиш электр тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларида авариялар, узилишлар кузатишмоқда.

Сўнгги уч кун ичида 1154 қисқа рақами орқали навбатчи диспетчерлик хизматида вилоят бўйича авария ҳолатлари ҳақида 2050 та мурожаат келиб тушган.

Сўнгги икки кунда 23 та трансформатор пунктларида носозлик кузатилди ва 22 таси тўлиқ бартараф этилди.

Табиий газ босимининг меъёрдан пастлиги сабабли Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида, шунингдек, Пайарик, Ургут, Оқдарё, Жомбой туманларида табиий газда узилишлар кузатишмоқда.

"Самарқандхудогаз" газ таъминоти филиалига қарашли 6 та ва ҳусусий 2 та газ тўлдирish шохобчаларидан 85 та махсус автомашиналар ёрдамида аҳолига суултирилган газ баллонлари етказиб берилмоқда.

— Газ тўлдирish шохобчаларимиздан кунига 232 тоннадан зиёд суултирилган газ тарқатилган, — деди филиалнинг суултирилган газ билан ишлаш бўлими бошлиғи Хуриш Мелиев. — Бу одатдаги кунларга нисбатан бир неча баробар зиёд ҳисобланади.

Филиалнинг барча шаҳар ва туманлардаги бўлимида мувофиқлаштирувчи штаблар тузилган ва 24 соатлик навбатчилик ташкил этилган. Ҳозиргача истеъмолчилардан келиб тушган 100 дан зиёд мурожаатларни ҳал этиш бўйича авария бригадалари томонидан тезкор чора-тадбирлар олиб боришмоқда.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

ФАРОВОН ЯШАШ КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ҲУҚУҚИНГИЗ

Ҳар биримиз Ўзбекистон деган жаннатмакон юртининг фуқаросимиз. Жамиятимиз ҳаётидаги барча муносабатлар Асосий қонунимизда белгиланган кўйилган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган санадан эътиборан дунё сахнада янги, суверен давлат қарор топган бўлса, Конституциямиз қабул қилинган кунни давлатимиз янгидан туғилди, мустақиллигимизга мустақам ҳуқуқий пойдевор қўйилди.

Айни шу ҳужжат билан янги мустақил давлатнинг ҳуқуқий кафолатлари шакллантирилди ва мустақамланди.

Бу борада кўплаб мисоллар қатори Бош қонунимиз юртимизда мулкчиликнинг барча шакллари ривожланиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, Конституциянинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлашти белгиланган.

Маъмур тамойиллардан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида бир қанча қонун ва қонунчи ҳужжатлари қабул қилиниб, уларни янада соддалаштириш мақсадида амалдаги қонунларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мисол учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёни ва улар фаолиятига рухсатномалар бериш тартиб-таомиллари қисқартирилиб, фаолият юритишнинг ҳуқуқий асослари соддалаштирилди.

Булларнинг бари ишбилармонлар, инвесторлар ва ҳалқаро молия институтларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга ишончи мустақамланишига олиб келмоқда.

2022 йил 9 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони имзоланди.

Ҳужжатга кўра, 2023 йил 1 январь

дан тадбиркорлик субъектининг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш ва оммавий ақборот воситаларида бу ҳақда эълон бериш, янги импорт автомобилларини сотиш фақат юридик шахслар — ишлаб чиқарувчи, қорхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилиши, электр энергиясини электр таъминоти шартномасида белгиланган ҳажмлардан (ойлик шартномавий миқдордан) ортиқча истеъмол қилган юридик шахсларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ҳамда якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларни Ягона миллий меҳнат тизимида ҳисобга олиш орқали давлат солиқ хизмати органларида алоҳида ҳисобга қўйиш тартиблари бекор қилинди.

Шу каби 2023 йил 1 мартдан солиқ тўловчиларга солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши тартиби ҳам белгиланди.

Маъмур ҳуқуқий режими доирасида тадбиркорлик субъектларига янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва жорий қилиш йўналишларидаги фаолиятини чекланган вақт, ҳудуд ва шахслар доирасида маъмур тартибга солиш орқали айрим қонунчилик ҳужжатлари нормаларига амал қилмаслик ҳамда лицензиясиз ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан фаолиятни амалга оширишга ҳам рухсат этилиши йўлга қўйилди.

Айни вақтда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ва тартибга солиш жараёнларини такомиллаштиришга, қулай бизнес муҳитини, ҳалқаро майдонда мамлакатнинг ижобий нуфузини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, "Агар биз юртимизда барқарор иқтисодиёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамокчи бўлсак, юзаки эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз шарт. Ягона йўлимиз шу. Бу — Асосий қонунимиз талаби. Бошқа йўл йўқ".

Нурия НОРМАТОВА,
вилоят ҳокимлиги юридик
хизмат раҳбари.

Мамлакат тараққиётига асосий тўсиқ коррупция ҳисобланади. Коррупция келиб чиқишининг асосий сабаби назорат тизими фаолиятининг заифлиги билан боғлиқ. Қачон ва қерда назорат фаолияти заиф бўлса, эрта-кеч, ўша жойда албатта, коррупция келиб чиқади.

Коррупция иллатини бартараф қилишда адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилиши назорат тизимини қучилишига ва самарали ишлашига боғлиқ. Шунинг учун асосий эътибор назорат фаолиятини самарали қилиш йўллари топишга қаратилиши керак.

Хўш, Ўзбекистонда шаклланиб бораётган назорат фаолиятининг самарали ишлашига нисбатан тўсиқ бўляпти? Келинг, дастлаб шу ҳақда фикрлашайлик.

Биринчидан, бу мақсадга эришиш учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига риоя этилишини назорат қилиш механизмни шакллантириш ва унинг самарали ишлаб туришини таъминлаш керак. Чунки назорат механизми ишлаб турган ҳолда жазонинг муқаррарлиги амалда таъминланади ва бундай ҳолда одамлар қонунни бузиш эҳтимоли пайдо бўлганда, қўрқувни ҳис қилиб, нормаларни бузишдан ўзларини тийиб яшайди.

Иккинчидан, ҳозир бизда демократиянинг шакли бор ва фақат шакл билан назорат фаолиятини самарали амалга ошириш бўлмайди. Назорат фаолиятини самарали амалга ошириш учун демократиянинг мазмунини ҳам яратиш керак.

Учинчидан, назорат фаолиятининг самарали ишлашига тўсиқ бўлган яна бир сабаб бу ушбу фаолиятга доир билимнинг етарли эмаслигидир. Чунки ҳар қандай фаолиятнинг самардорлиги ўша фаолиятга доир билимга боғлиқ бўлади. Хозирги кунда мамлакатимизда олий таълим тизимида ва умуман, таълим тизимида жамиятга назорат фаолиятига доир билимни берадиган бирор-бир фан ўқитилмайди. Ваҳоланки, ҳар қандай билим, энг аввало, таълим тизимида шаклланади.

Президент фармони билан 402 нафар шахс афв этилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиқи сифатида "Ҳазо мударратини ўтаётган, қилинишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармони имзоланди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилинишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 128 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 201 нафари жазони ўташдан мударратдан илгари шартли озод қилинди, 15 нафарининг озолиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 58 нафар шахсга тайинланган озолиқдан маҳрум этиш жазосининг мударратлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 63 нафарини аёл, 26 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 19 нафарини тақибланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон иқроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, иқтисодий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмақ бериш бўйича масъул вазирлик ва идора-ларга тегишли топшириқлар берилди.

9 декабрь - Коррупцияга қарши кураш кун

Коррупцияни тўхтатишга қодир бўлган назорат тизими

Уни шакллантирувчи омиллар қайсилар?



Тўртинчидан, мамлакатимизда назорат фаолиятини самарали амалга оширишга бўлган тўсиқлардан яна бири аҳолининг айрим қисмидаги бефарқлик кайфияти ҳисобланади. Агар жамоатчиликка назорат фаолиятига доир билим берилса, лекин жамият бефарқ бўлса, назорат тизими самарали ишлайди. Бунда одамлардаги назорат фаолиятига доир билим кераксиз фактлар бўлиб, одамларнинг миясида фойдасиз ётаверади.

Энди бу муаммоларга ечим излайлик.

Аввало, инсон ақли бўлиши мумкин. Лекин айни бир пайтда у нодон бўлиши ҳам мумкин. Бунни тушуниш учун ақли билан дононинг фарқи-ни билиш керак. Инсон билим негизда ақли бўлса, маънавият негизда доно бўлади. Маънавий жиҳатдан қашшоқ одам нодон бўлади. Демак, назорат тизимининг самарали ишлашига тўсиқ бўлган бир жиҳат - бефарқлик кайфиятини бартараф қилиш маънавий юксалишга боғлиқ. Ахлоқий

тарбия негизда маънавиятни юксалтириш орқали бефарқлиқни жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш назорат тизимини самарали қилувчи мумкин омил ҳисобланади.

Ана энди кейинги босқичга ўтаемиз: назорат тизимининг самарали ишлашига жиддий тўсиқлардан бири коррупция иллатидир. Чунки коррупция назорат заиф бўлган жойда келиб чиқади ва шунинг учун ҳам назорат қучайишига қарши бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш икки йўналишда олиб боришмоқда. Биринчи йўналиш жиноят содир қилганларни жазоланишнинг муқаррарлигини таъминлаш бўлса, иккинчи йўналиш ҳали жиноят содир қилинмасдан олдини олишга қаратилган профилактика ишларидир. Бунда асосий эътибор иккинчи йўналишга, яъни профилактика ишларини самарали амалга оширишга қаратилмоқда. Профилактика ишларининг муҳимлиги шундаки, у коррупция сабабини бартараф қилишга хизмат қилади, жазоланган эса фақат оқибатни бартараф этишни таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, назорат тизимининг самарали ишлаши учун иккита муҳим омил шаклланиши керак. Биринчиси, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш орқали қонунни бузиш эҳтимоли пайдо бўлганда, давлатдан бўлган қўрқувнинг мавжудлиги. Иккинчи муҳим омил ахлоқ нормаларини бузиш эҳтимоли пайдо бўлганда, Аллоҳдан бўлган қўрқувнинг мавжудлиги. Ана шу икки хил қўрқувнинг одамларда мавжудлиги коррупцияни тўхтатишга қодир бўлган назорат тизимини шакллантиради.

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат университети талабаси.

Инсон имкониятлари чегарасиз

Умида Маҳмудова қўли гул ҳунарманд. У 1986 йилда Самарқанд шаҳрининг Дукчиён маҳалласида дунёга келган.

Туғилганда бошқа гўдақлар қатори соғлом бўлган эканман, - дейди у. - Онамнинг айтишича, энди юра бошлаган пайтда бахтсиз ҳодиса сабаб умуртқам қаттиқ жароҳат олган. Натижада тананинг кўрак қафасидан пастки қисми ишалай қолган. Шу сабаб тўшаққа михланиб қолганман.



Умидани бувиси катта қилди. Ўқиш ва ёзишга қизиқтирди.

Бувим мактабда немис тилидан дарс беради, - дея баллигини эсга олади Умида. - У мени махсус мактабда эмас, соғлом болалар қатори оддий мактабда таълим олишнинг истаган ва ўзи фаолият юритадиган мактабга олиб борган. Мени ўқитувчилар ва синфдошларим яхши кутиб олишди. Арава-чада ўтирсам ҳам тушундиқча тушмасдан, ўзимни соғлом болалардек ҳис қилиб, ўқий боладим. Синфда энг аълочи ўқувчилар сафида эдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, 4-синфда ўқиб юрган кезларимда танаффуслар вақти мактаб болаларидан бири ёнимга келди-да, юзимга қараб туриб, "қўлоқ", деди... Бу сўз руҳиятимга қаттиқ таъсир қилди. Бўлган воқеани ота-онамга айтдим ва энди мактабга бормайман, деб туриб олдим.

Умиданинг или олишини чин дилдан истаган бувиси ва ота-онаси уни уйда бўлса ҳам ўқитишни мақсад қилди.

Ўқитувчилар уйга келиб, дарс ўта бошладилар, - дея сўзига давом этди Умида. - Ўқувчилик давримда танамдаги касаллик ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ҳаракатим чекланганлиги боис иммунитетим паст, қувватим кам, бошқа касалликларга ҳам тез-тез чалинар эдим. 1990 йилда умуртқамни операция қилишган, аммо фойда бермаган. Ўша пайтларда шифохонага бориб келишда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти биноси ёнidan ўтаётиб, албатта, шу олий ўқув юрти талабаси бўлишим ният қилганман.

Мактабни тугатган, бекорчиликдан зериқкан Умида нафақа пулларидан йиғилган маблағга ноутбук сотиб олди. Интернет тармоғи орқали танасидаги дарднинг тарихини ўргана бошлади. Чет элнинг машҳур

университетлари клиникаларига касаллик ташхисини жўнатди.

- Касаллигининг қисман бўлса ҳам шифоси бор экан, - дейди сўхбатдошимиз. - Лекин бунинг учун катта пул керак. Оиламизда эса бунга имконият йўқ. Моддий ёрдам сўраб ҳукуматимизга мурожаат қилдим. Шунда Андижон давлат тиббиёт институти профессори, неврожарроҳ Қобилжон Тўрсунович касаллик тарихини ўрганиб чиқиб, жароҳат олган вақтда умуртқамдаги асаб томилари қаратқ бўлиб қолганлигини айтди. Чет элда қилинадиган муолажани ўзимизда ҳам бажариш мумкинлигини, қерда бажарилганда ҳам бутунлай оёққа туриб кетиш қийин, аммо кўрак қафасидан пастки қисмида сезилган пайдо бўлишни тушунтирди. Шундан сўнг шифокор таклифига биноан, 6 ой давомидида Андижонда электродли ҳамда бошқа муолажаларни олдим. Аҳамиятлики, ҳеч қандай маблағ сарфламадим. Орадан бироз вақт ўтиб, ўзимни тутадиган бўлдим ва жисмонан яхшиландим.

Энди Умиданинг ҳаётга бўлган қизиқиши яна-да ортди. Интернет орқали касб-ҳунар ўрганишга киришди.

Аввалига сингилларим билан торт ҳамда турли хил ширинликлар пиширишни ўргандим, - дейди у. - Кейинчалик рўзгорга фойдаимиз тегиши учун тайёрлаган махсус лотларимизни яқин атрофдаги дўконлар орқали сота бошладик. Қўнларнинг бирида қайсибир ижтимоий тармоқда бир видео-лавҳага кўзим тушди. Унда бир ҳунарманд бежирим кўғирчоқлар ясаётгани акс этган эди. Уни юклаб олдим. Кераклик ип ва анжолларни тайёрладим-да, кўғирчоқ тўқий бошладим. Бу ишни удаладим. Тайёрлаган махсус лотларимдан иккитасини суратга олиб, телеграмдаги синфдошларимизнинг гуруҳига жойладим. Улар кўрди-да, нархи билан қизикди. Аслида мен уларни сотиш учун тайёрламаган эдим, аммо мижоз топилгач, сотдим. Дастлаб, қизиқиш бўлган бу жараён бора-бора бизнесга айланди. Ҳозирги кунда шахримиздаги кўплаб савдо дўконларига таркатаман, буюрма асосида чет давлатларга, жумладан, Тожикистон, Қозғистон, Россия, Чехия, Америкага ҳам почта орқали мижозларга етказиб бераман. Хорижийлар бир кўғирчоқни ўртача 20 доллардан харид қилади, ўзимизда эса 100 минг сўм атрофда сотилади. Ўйла ўнлаб шогирдлар ҳам тайёрланишган. Бундан ташқари, мендан ижтимоий тармоқлар орқали бу ҳунар сирларини ўрганаётганлар ҳам талайгина.

Умида бу ҳунаридан ташқари, тикувчилик, рассомчилик билан ҳам шугулланади. Шу йил у ўзи истаган олий ўқув юртининг талабаси бўлиш бахтига миясасар бўлди. Шунингдек, у спорт билан ҳам шугулланади. Узёқ масофага югуриш марафонларига аравача бўлса ҳам иштирок этиб, гоилибикни қўлга киритган. Айни пайтда у спортнинг қановатдан ўқ отиш тури бўйича машғулотларда қатнашпай.

Ҳа, Умида Маҳмудова имконияти чекланган бўлишига қарамадан - талаба, тикувчи, тўқувчи, пазанда, рассом, спортчи. У бу билан тўрт мучаси соғ бўла туриб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган кўпгина аёлларга ўрнак бўла олади.

Ситора РУСТАМОВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).

Жорий йилнинг 30 сентябрь ҳолатида вилоят адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилиб, фаолият юритиб келаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар сони 310 тани ташкил қилади.

ННТ

қонунни бузмайди(ми?)

Йилнинг уч чораги мобайнида 41 та ННТ ва диний ташкилотларда текшириш ўтказилиб, 738 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларининг бартараф этиш юзасидан 41 та тақдирнома ҳамда 2 та маъмурий тақлиф киритилди.

Шунингдек, ННТларнинг 2021 йил якуни бўйича топширган ҳисоботларини мониторинг қилиш натижаларига кўра, 18 та ННТ раҳбарига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди. Баённомалар ҳудудийлиги бўйича маъмурий судларда кўриб чиқилиб, маъмурий жавобгарликка (МЖТК 239-м 6-қ) тортилган ҳамда ҳисоботларни топширишда хато ва камчиликка йўл қўйган 111 та ННТга тақдирнома киритилди.

Санжар БҲРИЕВ,
вилоят адлия бошқармаси
бош мутахассиси.

Ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етақчилари қандай ишляпти?

Маҳаллаларда фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчиларига фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган бўлса, ёшлар етакчиларининг зиммасида ҳудудларга ўғил-қизларнинг муаммосини ҳал этиш, иқтисодий ёшларнинг қобилиятини намоён этишга кўмаклашиш вазифаси турибди.

Хўш, улар шунини
эплаяптими?

Масалан, Каттакўрғон туманининг Мундиён маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси қандай ишларни бажаряпти?

— Маҳалламизда 7400 нафар аҳоли истиқомат қилади, - дейди ҳоким ёрдамчиси Олимжон Давронов. - Ўтказилган хатлов натижасида 190 нафар аҳолининг муаммоси борлиги аниқланди ва уларни "дафтар"ларга киритдик. Ўтган давр мобайнида 62 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 1 миллиард 800 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. 70 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Жумладан, "Темир дафтар"га киритилган 27 нафар фуқародан 13 нафари, "Ёшлар дафтери"даги 54 нафар ёшларнинг барчаси дафтардан чиқарилди. Шунингдек, "Аёллар дафтери"да рўйхатда турувчи 109 нафар хотин-қизнинг 1 нафарига имтиёзли кредит берилди, 7 нафари ишга жойлаштирилди, 7 нафари касб-ҳунарга ўқитилиб, 41 нафарига асбоб-ускуна ажратилди.

Аҳамиятлиси, маҳаллада фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида аксариятига кредит маблағлари ажратилган.

— Хотин-қизлар кўйлаклари

ни тикардим, лекин фаолиятимни кенгайтириш учун жой ва маблағ йўқ эди, - дейди Раъно Сафарова. — Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси кўмаги билан 33 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик цехи ташкил қилдик. Ҳозир цехимизда 6 нафар хотин-қиз ишляпти. Улар билан бирга аёллар ва болалар кўйлаклари тикиб, махсулотлар сотувини йўлга қўйганмиз. Каттакўрғон туманида жорий йил бошида 3183 нафар йигит-қиз "Ёшлар дафтери"га киритилган бўлса, ноябрь ойи ҳолатига кўра, 3 минг нафардан зиёд ёшлар дафтардан чиқарилган.

— Туманимизда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 77 минг 597 нафарни ташкил қилади, - дейди ёшлар ишлари агентлиги Каттакўрғон тумани бўлими бошлиғи Лазизбек Абдуқаҳҳоров. — Туманда ёшлар билан ишлаш бўйича "Ёшлар дафтери" ишлаб чиқилган. Унга кўра, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида аксариятига ер, ўзини-ўзи банд қилиши учун асбоб-ускуналар ажратилган. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 1756 нафар ёшга 350 гектар ер бўлиб берилди. Шунингдек, 483 нафарига ўзини ўзи банд қилиши учун субсидия ажратилди. 280

Ҳазилдин РҲЗИБОВ.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси институт инглиз тили 2 факультети декани Отабек Юсуповга акаси

Сўрғат ЮСУПОВнинг

вафоти мүнсабаоти билан таъзия изҳор этади.

ЖУМА НАМОЗИ



(Давоми. Бошланиши 19, 24 ноябрь ва 1 декабрь сонларида).

Кутлуг кунимиз номини шу тарзда ёзишимнинг сабаби сизга тушунарли бўлса керак. Эрталабдан хонадошлар муқаддас Каъбада ўқилайдиган катта намозга ҳозирлана бошладик. Ёлс қилиб, оҳорли либослар кийиб, ҳар турли атирлар билан хушбўйланиб, соат ўн бирларда намозгоҳга отландик. Агар барвақтроқ боришмаса, масжид ичидан жой топилмай қолиши ҳеч гап эмас. Ҳақиқатан, сон-саноксиз одамлар турли томонлардан Масжиди Ҳарам томон оқиб келмоқда.

Жума намози бошлангунча нафл ўқиб, вақт қандай ўтганини сезмай қолдим. Масжиддан чиқиб қарасан, худди ер ёрилиб одам чиққандек. Уларнинг биров камайишини кутиб, соатли минора остидаги савдо марказини айландим. Тўжжорлар дўпчинини кўриб, юртдошимиз, ислом оламининг фахри Имом ал-Бухорийга бўлган меҳр-муҳаббатларини изҳор қилишди. Харидимизни нарх талашмасдан, тўрт беш риёл арзонга тушириб беришди. Бир бангладешилик дўкончи дўпчинини авазига бир неча ҳожи қалпоғини тақлиф қилди. Аммо у ўзбеклар пичоғи билан дўпчинини бировга бермаслигини қайдан билсин. Автобус тўхташ жойига келсам, ҳалиям одам жуда кўп экан, яқин йўлаб бўлмади. Меҳмонхонамиз унча узок бўлмагани боис пиёда йўлга тушдим...

Тушлик қилиб бўлгунимча аср намози вақти ҳам етиб келди. Негадир шу кун мен учун гоёт тез ўтгандек бўлди. Бунинг сабабини ҳозиргача ҳам билолмайман.

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ СОҲИЛИ

Шанба куни саёҳатга чиқадиган бўлдим. Умирида денгизни кўрмаганим боис Қизил денгиз соҳилларига бориш мен учун чинакам янгилик бўлиши аниқ. Эрталаб соат саккизда Жидда шаҳри томон жўнадик. Йўлимиз тоғдан соҳилга қараб нишаб бўлгани туфайли ҳаш-паш дегунча аввал ҳам кўниб ўтганимиз шаҳарга етиб бордик. Жидда Саудия қироллигининг нафақат ҳаво дарвозаси, балки йирик денгиз порти ҳам экан. Соҳилда турган баҳайбат кемаларга минг-минглаб контейнерларни юклаш мумкин экан. Жидда билан бошқа шаҳарларни боғлайдиган темир йўлда асосий юклар ташиларкан. Умуман, Саудия Арабистонининг ривожланиб, дунёдаги кучли йиғирмата давлат қаторига киришида Жидданинг аҳамияти катта эканлиги кўриниб турибди.

Мамлакатда кенг тармоқли автомобил йўллари ҳам мавжуд бўлиб, юқорида ёзганимдек, сифати аъло даражада. Шу туфайли бўлса керак, бирор жойда тирбандлик бўлганини кўрмадим. Кўп жойларда йўллар икки-уч қаватли, йўл ўтказгич кўприклар сероб. Бир сўз билан айтганда, бу ерда бундай қойилмак ойллар бор деб сира ўйламаганим. Шаҳарлар бош режа асосида, шинам қилиб қурилган. Бизда учрайдиган пала-партишликни ҳеч қаерда кўрмадим. Бирор жойда таъмир ишлари кетаётган бўлса, атрофи ўралаб, оғохлантириш белгилари ўрнатилган. Қисқаси, уларнинг иши биздагидан кўра анча пишиқ, пухта. Бунда Саудия Арабистонида қонунларнинг бекаму кўст бажарилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этган деб ўйлайман.

Жиддада бўлганимизда, катта йўл четидида бир масжидни кўрсатишди. Унинг номи "Масжид ул Қисос" бўлиб, шу ерда жиноятчилар жазосини олар, ўғриларнинг қўли кесилиб, қотилларнинг боши танасидан жудо қилинар экан. Бир қарашда, бизнинг асримизда бу ўтакетган шафқатсизликдек бўлиб тулолиши мумкин. Аммо бу мамлакатда ўғрилик ва қотиллик жиноятлари деярли учрашмаслигини эътиборга олесак, у қадар даҳшат туймади киши. Қолаверса, жазо ахён-ахёнда қўлчилик кўз ўнгиде амалга ошириларкан. Мўйин муслмонларга тинч бекавотир ҳаёт таъминланган бу улў дёрда тақво билан яшайдиган инсонлар учун ҳеч қандай хавотир ёки хатар йўқ. Шу боис бўлса керак, бу ердаги дўконлар қўлфланмайдди. Эгаси шундоқ эшигини ёки пардасини ёпиб, намозга чиқиб кетаверди. Биронинг молига ёки жонига даҳл қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдди. Бу масалада чексиз бахшланиш мумкин, бироқ бу ерда намунавий жазонинг тарбиявий таъсири жуда кучли эканлиги яққол кўриниб турибди. Бирор жойда тартибсизлик ёки можаро аломатла-

рини кўрмадик. Тўғри, биз бормасдан бурунроқ Мадинадаги "Масжид ул Набавий"да аёллар жанжаллашиб қолишибди. Шундан сўнг маҳаллий маъмурлар масжиднинг раваз қисмида эркин зиёрат қилишни чеклаб қўйишди. Жанжаллашлар эса бегона эмас, Урта Осиёдан борган ўзимизнинг зиёратчи аёлларимиз экан. Биз ўзимиз билан бирга жамиятимиздаги иллатларни ҳам бирга етаклаб борамиз.

Шундай қилиб, хоҳловчилар кемага миниб, хоҳлаганлар эса шунчаки денгизни томоша қилиб, роса суратга тушишди. Мен ҳам ўзимча орзуимни амалга ошириб, денгиз сувига тушдим. Афсуски, чўмилишга рухсат йўқ экан. Лекин бир нарсани билиб олдим, Қизил денгизнинг суви худди қозонда иситилгандек илққ эди.

Айтгандек, Масжид ул Қисос яқинида бир макбара бўлиб, халқ орасида Ҳаво қабри номи билан машҳур экан. Аммо йўлбошимиз Абдурахмон ҳожи бу гап охиригача исботланмаганини айтиб ўтди. Чунки Ҳазрати Одам даврларидан бизнинг замонимизгача катта муддат ўтганлиги боис бу фактни ҳеч бир тарих исботлаб беролмаган. Бунинг устига, юқорида ёзганимдек, бу мамлакатда қабрларга ёдгорлик ўрнатиш урф эмас. Текис мазор устига одадигина битта тошни қўйиб қўйишаркан, холос.

Пешин намози арафасида Жиддадаги саёҳатимизни тугатиб, яна Маккага қайтиб келдик. Куннинг иккинчи ярмида кимдир дам олди, яна кимдир ибодат билан банд бўлди. Мен учрашувда совға қилинган китоб мутлоаси билан машғул бўлдим.

ОТАМНИ ЭСЛАБ

Якшанба куни аввалдан кўнглимга тўғиб қўйган ниятим, яъни отам учун ҳам нафл умра маросимини амалга оширишга киришдим. Олдин онанинг хизматларини адо этишим боиси шунда эдики, киши учун онанинг ҳақи отаникидан кўпроқ бўлиши ҳақида пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам ўз муборак ҳадисларида таъкидлаб айтганлар. Яна бир андишам шундаки, отанинг хизматларини укам ва синглим Ҳаж ёки Умрага келганида бажариб кетиши ҳам мумкин эди. Аллоҳга беадад шўқурлар бўлсин, шу амалини бажаришга ўзинда инқонит пайдо бўлди ва уни катта ғайрат билан амалга оширишга киришдим. Дастлаб шаҳар чеккасидаги Ойша онамиз масжидларига бориб, қайтадан экромга кирдим. Кейин Ҳарамга келиб, Каъба атрофини етти марта айланиб, мақоми Иброҳимда икки ракат намоз ўқиб, отамга бағишладим. Кейин Сафо ва Марва орасидаги йўлни етти марта юриб, югуриб ўтдим. Йўл охирида икки ракат намоз адо этиб, буням отанинг номига бағишладим. Охириги маросим – сочимни тақир қилиб олдимки ва шу билан барча амалларни адо этган бўлиб, экромдан чиқдим. Кўнглим чироқдек равшанлашди.

Албатта, ота билан онанинг ҳақини тўла адо этиш фарзанд учун сира мумкин эмас. Бир одам онасини елкасига кўтариб олиб бориб, ҳаж қилдирибди ва энди онанинг ҳақини адо эта билдимки, деган сўрабди. Шунда унга: "Ҳа, онанинг сени эмизиб учун бир марта уйқусини ҳаром қилиб уйғонгани ҳақини адо этдинг, холос", деган эканлар. Фарзанд бир ҳолатдагина ота-онасининг ҳақини тўлиқ адо этиши мумкин экан. У ҳам бўлса, қачонки, уларни қўл ҳолида топса-ю, сотиб олиб озод қилса, уларнинг қилган яхшиликларини тўлиқ қайтарса олиши мумкинлиги ҳақида муҳаддислар хабар берганлар, валлоҳи аълам. Бунда ота-онанинг фарзандаги ҳақи кебиёс эканлиги билан бирга, эрк-озодликнинг қадри ҳам ундан-да кам эмаслиги айтилмоқда. Шундай экан, менинг бажарган бугунги хизматларим уларнинг мен

Зиёратнома

учун қилган меҳрибончиликлари олдида кум заррасаси янглиғ кичик бир ўқун бўлса, не ажаб.

ВАТАНГА ҚАЙТИШ

10 октябрь душанба куни узок йўлга чиқиш олдида тузукроқ дам олишга қарор қилдик. Хонадошларим билан биргаликда аввал суҳбатлашиб, кейин ухлаб қолибмиз. Дам олиб бўлгач, тушлик қилдик, дўконларни айланиб, совға-саломлар харид қилдик ва жомадонларимизни кетишга ҳозирлашга киришдик.

11 октябрь саҳар соат 04:00 да автобус билан Макка Мунавварадан яна Жидда шаҳри томон жўнадик. Бир соат зиёдроқ йўл босиб, аэропортга етиб келдик. Давлат чегарасидан чиқиш тартиби бўйича расмийликлардан ўтиб бўлгач, соат 11:45 да ўчоққа чиқдик. 12:00 да самолётимиз Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳри сари парвоз қилди. Манзилимизга етиб бориб, аэропорт биносига Тошкентга жўнайдиган ўчоғимизни кутдик. Негадир бу сафар кутуш ўнчалик давомли бўлмади. Соат 22:00 да Тошкент сари парвоз қилдик. Қаттиқ чарчаган эканман шекилли, уйқуга кетиб, самолётимиз Туркменистон сарҳади устидан ўтаётганида уйғонибман.

Ўчоқ қанотлари остида аввал Ашқобод, Мари, кейинроқ Чоржўй (ҳозирги Туркменобод) шаҳри чироқлари, Амударё устидаги кўприк кўринди. Узокдан Бухоро, Навоий, янаям узокроқда эса Зарафшон ҳамда Учқудуқ шаҳарларининг чироқлари порлаб турарди. Яна бироздан сўнг Сирдарё, ундан кейин эса Тошкент чироқлари кўринди. Тўғри соат 2 дан 10 дақиқа ўтганида Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига келиб кўндик. Юқулимизни олиб бўлгач, ҳамма бир-бири билан хайрлашиб, уй-ўйига равона бўлди. Аэропорт олдида турмонат одам йиғилган, айримлар қўлида табрик ёзилган транспарантлар кўтариб олган, кимдир видеога олиш билан овоза. Худди чемпион бўлган спортчиларни кўтиб олаётгандек тасаввур уйғонди кишида.

Бизни Тошкентда ашайдиган Қобилжон ўғлини кўтиб олди. Машинида Самарқанд томонга қараб йўл олдик. Бомдод намозини Бахт шаҳридаги масжидда адо этдик. Йўл бўлида жойлашган ушбу масжид бизда жуда илиқ таассурот қолдирди. Кун қоронғи бўлишга қарамастан, иссиқ сув, юмшоқ сочиқлар, хуллас, ибодат қилиш учун барча қўлайликлар яратиб қўйилган экан. Биз ва бошқа барча йўловчилар бундан жуда мамнун бўлдик.

Йўлда давом этиб, Жиззах довоидаги чойхонада нонушта қилиб олдик ва эрталаб соат ўнлар атрофида Ургут шаҳрига кириб бордик. Уйда бизни пояндозлар солиб, кутиб олишди. Етиб боришимиз билан дарҳол икки ракат шўкрона намозини ўқиб олдик, шу билан Каъбатуллоҳ сари қилган катта сафаримиз ўз адоғига етди.

СЎНГИ СЎЗ

Муқаддас дёрда бўлиб қайтган ҳар бир зиёратчида албатта, яна битта ажиб истак пайдо бўлади. У ҳам бўлса Маккатуллоҳ ва Мадина шаҳарларига яна такрор бориш. Мен ҳатто ўша ерларда доимий қолиб кетиш хоҳишида бўлган одамларни кўрдим. Кишида савол пайдо бўлади: нега бундай? Одамни ўзига жалб қилайдиган, уни Ватан туйғусидан оз бўлса-да, советиб қўядиган куч нимада? Арабистоннинг ҳайқол қўишим ёки у ерлардаги тўқин-сончиликми, балки шифобахш зам-зам сувида. Менимча, бунга сабаб ўша муқаддас ўлкадаги одамларнинг бир-бирига тоза муносабатиде, ниятларининг поклиги-да бўлса керак. Тасаввур қилинг, ҳеч ким бировнинг асабига тегмайди, ёлғончилик, алдамчилик йўқ. Юқорида ёзганимдек, ўғрилик, ҳаромхўрлик ва жиноятчиликнинг пайи қирқилган. Бир сўз билан айтганда, бу дёрда шайтоннинг давр-давр суришига чек қўйилган. Ана шундай муҳитда кишининг шу ерларда яшагиси, қолгуси келса, не ажаб.

Шу маънода, мен Умрага велосипедда борган Акмалхон отани визанинг охириги кунигача ўша ерда қолиш қарорларига ажабланмадим. Кўпчилик бу зиёратдан киши бошқа одам бўлиб қайтади, дейишди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу дёрда бўлган одам ёлғон гапирмай, алдамай, бировнинг ҳақиқа хийнат қилмасдан, шайтони лайдан узокроқ яшаш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилади. Нима бўлганда ҳам, бу икки муқаддас шаҳарнинг меҳри, муҳити ўзгача.

Ушбу кутлуг дёрни тарқ этар эканман, кўнглимда янги орзу-ният пайдо бўлди: илоҳим, шу ерларга ана келиш насиб этсин, нафақат мен, барча эзгу ният қилган кишиларга ана шу муқаддас тупроқларда юриб, муқаддас жойларни зиёрат қилишни Аллоҳ насиби рўз айласин, омин!

Худойберди КОМИЛОВ.

Эрта тонгдан қўл телефоним тинмади: "Ассалому алайкум! Биз Сирдарёданмиз. Вокзал ёнидаги автотураргоҳда кутиб турибмиз", "Ҳоразмдан келяпмиз, поезд 10 дақиқада етиб боради", "Қорақалпоғистондан келгандик, қаерга бориш керак?". Булар олтин изловчилар эмас, балки "Миллий журналистика: анъаналар давомийлиги ва замонавийлик" мавзусидаги II медиафорум иштирокчилари эди. Бу гал миллий медиа маконимиз вакиллари азим Самарқанд шаҳрида жам бўлишди.

“ОЛТИН” ИЗЛАБ,
ЗОМИНГАЧА...

Ёхуд кончилар маконидаги медиафорум таассуротлари



Олтиннинг бу тадбирга нима алоқаси бор, дейсизми? Бор, албатта. Гап шундаки, медиафорум "Навий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Шу боис анжуман вилотимиздаги "Зармитан" олтин конига пресс-турдан бошланди.

Геологик тадқиқотларга кўра, бу ҳудуддаги олтин захираси коннинг 2055 йилгача бир маромда ишлаши учун етади. Ҳозир "Зармитан" санот зонасида 4 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Бир йилда ўртача 2 миллион тонна маъдан қазиб олинади. Тинимсиз ишлаб турган улкан қурилиш ва техникалар, ер қаъридан чиқиб келаётган, ҳориб-толган кончилар, бу ерда барча иш соат каби аниқ ва тартиб билан амалга оширилади. Шахтага тушиш учун махсус тайёргарликдан ўтиш, ер остида ҳаракатланиш қондаларини ўрганиш ҳамда ҳимоя воситаларини қийиш талаб этилади. Тан олиш керак, ер сатҳидан бир неча юз метр пастга, зулмат қарига тушишга барчанинг ҳам юраги дош бермайди.

Хавфсизлик нуктаи назаридан бизни шахтага туширишди. Лекин кузатув камералари орқали ерни қазиш ишларини кўриб, кончилар билан суҳбат қилиб, жараён ҳақида етарлича тушунчага эга бўлдик.

Иштирокчиларда чехиялик мутахассислар билан ҳамкорликда қурилатгани, қиймати 50 миллион АКШ долларига тенг бўлган скиппи шахта катта қизиқиш уйғотди. Мазкур шахтада маъдани қазиб олиш жараёни электронлаштирилган бўлиб, у чуқурлиги бўйича (бир километр) Осиёда ягона ҳисобланар экан. Кончилик ишида тадқиқотчиларимиз томонидан ишлаб чиқариладиган технологиялардан ҳам фойдаланилаётгани қувонарли. Мисол учун, комбинатда қайта ишланган маъданлардан чиқадиган чиқиндилар олтин қолдиқларини ажратиб олиш технологиясини ўзимизнинг мутахассислар ўйлаб топилди.

Олтин конига қисқа муддатли саёҳат туғатган, медиафорумнинг асосий тадбирлари ўтадиган манзил - Жиззах вилотининг Зомин туманидаги "НМКМ" сўхатгоҳига қараб йўл олдик. Жиззах вилоти марказигача икки соат, у ердан тоғлар бағрида жойлашган сўхатгоҳга яна бир соатча йўл юрдик. Йўловчилар ижодкор халқ эмасми, бу вақт ҳам зое кетмади, танишув, турли интеллектуал ўйинлар, мушоира оддий транспортимизни "кувноқ автобус"га айлантирди. Медиафорумга ана шундай ижодий қайфият билан етиб бордик.

Тадбирнинг очилиш маросимини Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Олим Усаров олиб борди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари иштирок этиб, журналистикани ривожлантиришга оид фикр ва таклифлари билан ўртоқлашди.

Беш кун давом этган анжуман машғулотларини маҳаллий мутахассислар билан бирга Тошкентнинг "Жумхурият" газетаси, Буюк Британиянинг "Reyter", Эроннинг "Fars news", Озарбайжоннинг "Azertaj", Қирғизистоннинг "Kabar" ахборот агентликлари, Туркиянинг "TRT" телеканалли мухбирлари олиб борди. Айтиш жоизки, бу амалиёт иштирокчиларга миллий журналистикамизни хорижники билан солиштириш, соҳадаги илгор тажрибаларни ўзлаштириш имконини берди. Жараёнда бугунги глобал дезинформация хуружи, унга қарши курашиш шартлари, ахборотни тўплаш ва тарқа-

тиш тартибига алоҳида тўхталиниб, керакли тавсиялар берилди.

Хусусан, туркиялик журналистлар юрти-мизда ОАВни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолаб, уни тўртинчи ҳокимият сифатидаги нуфузини мустаҳкамлашнинг Туркия тажрибаси билан ўртоқлашишди. Маълум қилинишича, Туркияда тегишли қонун билан интернет нашрларида ишловчиларга ҳам журналист мақоми берилган. Бу уларга ҳукумат томонидан қафолатланган қатор ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш, жумладан, соҳада 20 йил меҳнат қилган, пенсияга чиқиш ҳуқуқини беради. Масыўллар юрти-мизда ҳам бу йўналишда ишлар олиб борилаётгани, журналистларнинг ҳуқуқ ва таъминотларини ҳимоя қилиш бўйича ягона тизим ишлаб чиқиш чоралари қўрилаётганини маълум қилишди. Албатта, бу соҳа вакилларининг зиммасидаги масъулиятни ҳам оширади. Сабаби, бугунги журналист фақат ахборотни етказувчи эмас, балки жамиятни йўналтирувчи, ижтимоий фикрнинг шакллантирувчи куч ҳисобланади.

Журналист биринчи навбатда тўғри савол беришни билиши керак, - дейди "Рейтер" ахборот агентлиги мухбири Мирасрор Ахроров. - Тажрибамдан биланамки, масъулиятнинг айнан тўғри қўйилган саволга берган жавоби соатлаб ўқилайдиган ҳисоботлардан фойдаланар. Бу саволлар халқнинг дарди, фикри, қарашларини ифода этиши керак. Бугун биз ана шундай саволларни бера оладиган, билимли, мустақил фикрга эга ёш журналистларга муҳтожмиз.

Хорижий ахборот агентликларида ишловчи ҳамкасбларимиз ҳам босма нашрларга эътиборининг пасаяётганидан хавотирда экан. Кимдир буни соҳадаги иқтисодий қийинчиликлар билан боғласа, яна кимдир давр талабига йўйди. Хулоса эса бир хил янгради: газеталар маърифат қалити ва улар халқнинг маънавиятини акс эттиради. Тўғри, кейинги вақтда интернет журналистикаси жадал ривожланыпти. Босма нашрлар ҳам замондан ортада қолмаслиқ мақсадида ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали бу жараёнда иштирок этиб, аудиториясини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Аммо жараёнда журналистиканинг муҳим қондалари унутулаётгандек. Жумладан, кенг омма эътиборини тортиш учун сарлавҳаларнинг бўрттириб берилиши, мақоланинг "мағзи" яширилиши, шов-шувли янгиликлар ортидан қуввиш ҳолатлари босма нашрларда ҳам учраётгани таъкидланди. Буларнинг барчаси ўқувчиларни алдаш ҳисобланади ва у вақтинчалик самара беради. Ахборот истеъмолчиси охир-оқибат сифатли "маҳсулот"ни танлайди.

Бу галги медиафорумнинг ўзига хос жиҳати, унда ташкилотчилар иштирокчиларнинг билим ва тажрибасини ошириш баробарида саломатлигини тиклаш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Сўхатгоҳдаги турли муложалар, спорт ўйинлари, умуман, Зомин тоғларининг тоза ҳавоси ва бетакрор табияти барчада катта таассурот қолдирди.

Хулоса ўрнида айтганда, масс-медиа фаоллари учун ташкил этилган II медиафорумда олтин топмаган бўлсак-да ундан ҳам қимматроқ нарсас - тажрибага эга бўлдик. Машғуллотлардаги қизғин мунозаралар, табиат қўйида ташкил этилган давра суҳбатлари, фахрий журналистлар билан мулоқот кейинги фаолиятимизда, ижодий ишларимизда ўз аксини топиши, шубҳасиз.

Асқар БАРОТОВ,
Самарқанд-Жиззах-Самарқанд.

МАТБУОТ УЙИ

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

МУАССИС: Самарқанд вилояти ҳокимлиги

Бosh муҳаррир: Фармон ТOSHEV

Газета О'збекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят бoшқармасида
2012-йil 30-мартда 09-01 рақам билан ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438,
16 352 nusxada chop etildi. Buyurtma 805. Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2

Газета haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LOMLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Turzunov ko'chas, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining
kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Nashr lux» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand
shahri, Spitameh ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti:

soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi:

soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

X.ERNAZAROVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun
QR-kodni telefoningiz
orqali skaner qiling

ISSN- 201667X



Sotuvda
nashr keltirilgan holda